

ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Сирдарё, Жиззах, Андижон ва Наманган вилоятларидаги касб-ҳунар коллежлари ва академик лицей ахборот-ресурс марказлари ҳамда кутубхоналарининг фаолияти хусусида



Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳузуридаги Республика методик кенгаши йиғилишининг 2015 йил 15 январдаги 18-сонли баёнининг 9-12 бандларида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш, Ўзбекистон Республикасининг «Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида»ги Қонунининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази тизимидаги АРМ ва кутубхоналарда бажарилишини ўрганиш натижалари бўйича сайёр семинарлар ташкил қилиш учун Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг раҳбар ва мутахассис ходимларидан иборат вакиллар жорий йилнинг февраль, март ойларида Сирдарё, Жиззах, Андижон ва Наманган вилоятларида хизмат сафарига бўлишди.

Бугунги кунда республикамызда Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази тасарруфида 1500 дан ортиқ ахборот-ресурс маркази ва кутубхоналар фаолият олиб бормоқда. Ахборот-ресурс марказларининг аксарияти касб-ҳунар коллежлари биносига жойлашган. Хизмат сафаридан асосий мақсад коллеж ва лицей ахборот-ресурс марказларининг аҳолига хизмат кўрсатиш самардорлигини ошириш фуюқаролар томонидан тушган мурожаатларни ўрганиш, мутахассисларнинг касбий мала-

калари, фойдаланувчиларга тез ва сифатли хизмат кўрсатиш даражаси, АРМнинг белгиланган вазифаларни бажарилишини ўрганиш ва, шу билан бирга, уларга методик ёрдам беришдан иборат бўлди.

Хизмат сафари давомида касб-ҳунар коллежлари ва академик лицей АРМлари фаолияти, АРМда меъёрий ҳужжатларнинг юритилиши, иш жараёнида Миллий ва давлатларaro стандартларнинг қўлланилиши, аҳолига хизмат кўрсатишнинг самарадорлиги, ахборот-кутубхона фондларининг тўлдирилиши, Ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминланганлиги, электрон каталог, электрон ресурслар ва веб-сайтлар орқали хизмат кўрсатиши, мутахассис кадрлар билан таъминланганлик ва бошқа масалалардан иборат 16 та савол асосида ўрганилди.

Сирдарё вилоятида жами 14 та, Жиззах вилоятида 12 та, Андижон вилоятида 10 та, Наманган вилоятида 13 та касб-ҳунар коллежи ва академик лицейдаги АРМ фаолияти ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш натижасида Сирдарё, Жиззах, Андижон ва Наманган вилоятларидаги коллеж ва лицей ахборот-ресурс марказлари ва кутубхоналари ишини умумлаштирганда қуйидаги муаммолар мавжудлиги аниқланди:



1. АРМларнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари ахборот-кутубхона фаолияти бўйича стандартларга тўла мос келмаслиги;

2. АРМларнинг ахборот-технологиялардан фойдаланган ҳолда, аҳолига хизмат кўрсатиш даражасининг яхши йўлга қўйилмаганлиги;

3. АРМларга бадий адабиётлар сотиб олишга маблаг ажратилмаётганлиги;

4. АРМларда электрон каталогни юритиш учун махсус дастурий таъминотнинг талаб даражасида эмаслиги (лицензияга эга бўлган дастурларнинг йўқлиги);

5. Коллеж ва лицейларда АРМ ҳамда кутубхоналарнинг фаолият юритиши (яъни 2006 йилдан кейин ташкил этилган коллежлардаги кутубхоналар АРМ мақомига эга эмаслиги);

6. АРМларида малакали мутахассисларнинг етишмаслиги ва кадрлар қўнимсизлигининг юқорилиги;

7. Таълим муассасасининг АРМ ахборот-кутубхона марказлари (худудларда ахборот-кутубхона маркази барча ахборот-кутубхона муассасалари учун методик марказлигини инobatга олган ҳолда) билан ҳамкорликда ишламаслиги.

Юқорида келтириб ўтилган вилоятларда ўрганиш натижалари бўйича ва АРМларга методик ёрдам бериш учун «Ахборот-кутубхона муассасалари фаолияти самарадорлигини ошириш ва ахборот билан таъминлашнинг янги шакл ва методлари» мавзусида семинар ташкил этилди. Семинарда Ўрта махсус, касб-хунар таълими худудий бoshқармасидан масъул ходимлар, вилоят ахборот-кутубхона марказининг раҳбарлари вилоятдаги коллеж ва лицей ахборот-ресурс марказлари ҳамда кутубхоналарнинг мутахассислари иштирок этишди. Шунингдек, келгусида ахборот-ресурс марказларининг устувор вазифалари ва бажарилиши лозим бўлган режалар ҳақида тақлиф ва тавсиялар берилди. Семинарда



Миллий кутубхона ресурсларидан масофадан фойдаланиш, ахборот-кутубхона соҳасида қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар, фойдаланувчиларга хизмат кўрсатишнинг янги шакллари, электрон кутубхона ва электрон ресурсларни сақлаш тартиблари ҳақида маълумотлар берилди, тақдимотлар бўлди. Шунингдек, семинар якунида АРМлар фондини электрон ресурслар (электрон китоблар, аудиокитоблар, мультимедиа ресурслари, ахборот-кутубхона фаолиятига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар) билан тўлдириш мақсадида 50 ГБ ҳажмдаги ресурслар тақдим этилди.

Жорий йил охирига қадар Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази тизимидаги касб-хунар коллежлари ва академик лицей АРМлари ва кутубхоналарнинг ишини республика миқёсида босқичма-босқич ўрганиш давом эттирилади. Шунингдек, ўрганиш натижалари умумлаштирилиб Ўрта махсус касб-хунар таълими марказига маълумотнома тақдим этилади.

Келгусида тегишли вазирликлар ва идоралар тизимидаги ахборот-кутубхона муассасаларини ҳам ўрганиш ва уларга методик ёрдам бериш режалаштирилган.

Республикамызда Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази тасарруфида 1500 дан ортиқ ахборот-ресурс маркази ва кутубхоналар фаолият олиб бормoқда

В данной статье даётся информация о результатах изучения специалистами Национальной библиотеки Узбекистана деятельности информационно-ресурсных центров и библиотек профессиональных колледжей и академических лицеев Сырдарьинской, Джизакской, Андижанской и Наманганской областей, а также об организованных на местах семинарах и оказанной методической помощи в виде нормативных документов, мультимедийных электронных ресурсов, наглядных пособий (плакатов, различных раздаточных материалов). Все это способствует улучшению и повышению качества библиотечной работы в регионах Узбекистана. ■